

Самарканд темир йул техникуми («Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи бир тарафдан директори О.С.Исамов ва ВАНОВЕКОВ ЯВОНИР МСНЖ кейинги ўринларда («Пудратчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директори Тошбеков У иккинчи тарафдан туздилар:

### 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1 «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича реконструкция кабелний линия от ПС Амон города Самарканд жорий таъмирлаш ишларини лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини олади. «Буюртмачи» эса бу иш хизматларни қабул қилиб олиши ва бажарилган ишлар учун ажратилган маблағдан келиб чикган ҳолда, ўз вақтида тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1 Иш хизматларнинг номи, миқдори, сифати ва нархи, мазкур шартномадаги "жадвал №1" га мувофиқ аниқланади. «Пудратчи» томонидан шартнома бўйича бажариладиган ишлар барча солиқ, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда

Жадвал №1

| № | Иш хизматларнинг номи  | Улчов бирлиги | Миқдори | Нархи НДС билан | Объектнинг умумий қиймати НДС билан сўм |
|---|--|---------------|---------|-----------------|---|
| 1 | Самарканд темир йул техникумининг ховли қисмини жорий таъмирлаш ишлари | тн            | 114     | 921 053         | 105 000 000                             |
|   | Жами   |               |         |                 | 105 000 000                             |

2.2. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича умумий қийматининг 50 фоизи миқдорда аванс ўтказлади.

### 3. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ:

3.1. «Пудратчи» фақатгина «Буюртмачи» билан шартнома туздан кейин ишларни бажаришини амалга оширади.

3.2. Ишлар ва хизматларга эгаллик ҳуқуқи «Буюртмачи»га лойиха смета хужжатларида кўрсатилган ишлар «Пудратчи» томонидан тўлиқ бажарилгандан кейин ўтади.

3.3. «Пудратчи» томонидан қуриш даврида иш турларига ўзгартиришлар киритиш юзасидан олдиндан «Буюртмачи»га ёзма равишда билдириш киритади, ушбу ҳолда «Буюртмачи» белгиланган тартибда кўриб чиқиб, иш турларига ўзгартиришлар киритиш ёки уни рад этиш юзасидан қарор қабул қилади.

3.4. «Пудратчи» томонидан қуриш даврида ўзгартиришлар киритган иш турларига смета қилиниб ушбу смета нархларидан тўловлар амалга оширилади.

3.5. «Пудратчи» шартномада кўрсатилган ишларни бажаришда ёрдамчи пудратчилар хизматидан фойдаланса, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили, балансидан техника бор ёки йўқлиги, шартнома мавзуси тўғрисида «Буюртмачини» хабардор қилиши шарт.

3.6. «Пудратчи» лойиха-смета хужжатлари бўйича ишлаб чиқариш технологиялардан чиқмаган ҳолда ҳақиқатда ишлатилган иш турлари, машина механизмлари ва бажарилган иш ҳажмлари бўйича (танлов савдолари натижалари бўйича кўрсатилган нархдан қатъий назар) «Буюртмачи» томонидан молиялаштириш амалга оширилади.

### 4. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

4.1 «Пудратчи» мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади, ишларни бажариш мудати "100" кун

4.2 «Пудратчи» объектда жорий таъмирлаш ишларини жорий йилга ажратилган маблағдан келиб чикган ҳолда йил якунигача тулик бажаради, бунда агар маблағ ажратилиши кейинги йилларга кучирилса ЎзР ВМнинг 2003 йил 11 июндаги 261-сонли Қарорига асосан сметада бажарилмаган иш турларининг нархлари урганиб чиқилиб шартномага қушимча қелишув тузилади.

### 5. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексидан, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

«Пудратчи» ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ «Буюртмачи» олдидан қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;

«Буюртмачи» билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан усқуналарни монтаж қилиш муддатларини бузилиши;

объектнинг лойиха-смета хужжатларида белгиланган ерларни рекултивация қилиш ишлари бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;

мукаммал, қайта қуриш жараёнида ёки оралик қабул қилишда «Пудратчи», муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш; шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

«Пудратчи» ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида «Буюртмачи», агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, пудратчи ташкилотдан ўз ихтиёрига қўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

нуқсонларни оқилона муддатларда ўз ҳисобидан бартараф этиши;

Агар «Пудратчи» ташкилот нуқсонларни қелишилган муддатларда бартараф этмаса, «Буюртмачи» ёки объектдан фойдаланувчи ташкилот ўз қучи билан «Пудратчи» ҳисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

5.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4% фоизи миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси молиялаштирилмаган маблағ қийматининг 50% ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашиши «Буюртмачи»ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди. Молиялаштиришнинг кечикиши «Инвестор» нинг айби билан содир этилса, молиялаштириш бўйича «Буюртмачи» «Пудратчи»нинг олдидан жавобгар бўлмайди.

5.3. Пудратчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса «Пудратчи» «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4% миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% ошмаслиги лозим.



«Буюртмачи» томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун «Пудратчи» «Буюртмачи» га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 % миқдориде пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 % ошмаслиги керак.

«Пудратчи» Буюртмачига шартноманинг 3.5. бандида кўрсатилган талабларни бузиб, ёрдамчи пудратчи тўғрисида маълумотларни тақдим этмаган ҳолларда, «Буюртмачига» ёрдамчи пудратчи билан тузилган шартнома суммасининг 10 фоизи миқдориде жарима тўлайди.

Пеня тўлаш «Пудратчи» ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

5.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда «Буюртмачи» «Йул-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспексияси» нинг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек «Пудратчи» дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 % миқдориде жарима ундириш ҳуқуқига эга.

5.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланмаган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

5.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача гарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

5.7. «Буюртмачи» томонидан молиявий жарима(пеня) қўллаш тўғрисидаги талабнома юборган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида «Пудратчи» ўз ихтиёри билан туламаса, «Буюртмачи» судига мурожат қилган ҳолда жарима(пеня)ларни ундиради.

## 6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро келишув йўли билан ҳал этолмаса низо Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Самарқанд шаҳри иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## 7. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ:

7.1. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрга қадар.

7.2. Шартнома қўйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

- томонлар келишувига мувофиқ;

- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатлари назарда тутилган ҳолларда.

## 8. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундан қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиқ учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

8.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## 9. БОШҚА ШАРТЛАР:

9.1 «Пудратчи» таъмирлаш ишлари тугалланиб объект «Буюртмачи» томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудиде материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди. Шу билан биргаликда объектда техника хавфсизлигини, унда ҳаракатланаётган транспорт воситаларини ҳаракат хавфсизлигини таъминлаши, эритиш чироклари ўрнатиши, атроф муҳитни, ўтказилган дарактларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирларни бажариши шарт.

9.2 «Пудратчи» қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини «Буюртмачи» нинг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, биров-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

9.3 «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.4 Агар «Пудратчи» шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда «Буюртмачи» «Пудратчи» қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

9.5 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

9.6 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

9.7 Мазкур шартнома томонлар имзолагандан ва газначилик бўлиמידан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий кучга кириди.

9.8 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, ўзаро келишувлар ўз кучини йўқотади.

## ТАРАФЛАР МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

### Буюртмачи

Ташкилот номи: Самарқанд темир йул техникуми

Манзил: Самарқанд шаҳар Ибн ҳоддин 79

Банк Ориент финанс банк

Тел.: 883941100

Факс:

СТИР: 202427189

ОКОНХ 02120

МФО: 01111

Раёбар (директор)  
М.У. (имзо)

О.С. Исамов

### «ПУДРАТЧИ»

BAVOBEKOV JAVONIR MCHJ

Манзили: Пойарик Тумани Хоса МФЙ Чуқур к/к

Банк номи: АТИБ Ипотекабанк

Х/Р 20208000100577793001

МФО: 00312 СТИР: 303743354

Директор

Тошбеков У

